

ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИ УЧУН КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Sayidazimov Asroriddin Tohirjon o'g'li

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi

Бизда «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» ва «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари таъминланаётгани Янги Ўзбекистонимизда кейинги йилларда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати дунё ҳамжамиятида эътироф этилаётгани барчамизни бирдай қувонтиради, ғайратимизга ғайрат, шижоат қўшади.

Инсон учун ҳамиша унинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларидан муҳим қадрият бўлмаган. Мамлакатимизда айнан бу борада кенг кўламли демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, бир неча йиллар муқаддам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати халқаро ҳамжамият ва ташкилотлар томонидан қаттиқ танқидга олинар, бу нафақат юртимиз нуфузига, балки мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатар эди.

Бугун юксак ифтихор билан шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жорий йилги глобал сўров натижаларига кўра, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий аҳамиятга молик 15 та муҳим ислохоти қаторида, «Инсон ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилди, мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнати тугатилганлиги» алоҳида қайд этиб ўтилган.

Ш.М.Мирзиёев Ҳукумат бошлиғи сифатида кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, йирик ва ноёб лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш, хусусий мулкни устувор даражада ривожлантириш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашда ўзининг юксак салоҳияти ва моҳир ташкилотчилик қобилиятини намоён этди.

Мамлакат иқтисодиётини индустриал ривожлантириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, фермерлик ҳаракатини тараққий топтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолини кафолатланган ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини олиб бориш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, республиканинг шаҳар ва туманлари, айниқса, узоқ қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли ва самарали тадбирларни амалга оширди.



Президент кўтарилаётган масалаларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермаслигини яна бир бор таъкидлади: «Ҳеч ким четдан келиб — мен ҳар сафар шу масалани айтаман — ҳеч ким четдан маҳаллага келиб, районга келиб, вилоятга келиб, Ўзбекистонга келиб, буларни ҳал қилиб бермайди, ҳеч қачон. Фақат ва фақат ўзимиз қилишимиз керак. Ўзимиз режаларимизни ҳозирги замонга [мослаб], муносиб қарор, фармон, қонунларимизни чиқаришиз керак. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни яратиш асосий вазифаларимиз бўлиб қолиши керак».

Шавкат Мирзиёев халққа қанча имконият яратилса, бунинг фойдаси 10 карра, 100 карра бўлиб қайтишини, бунга сўнгги йилларда ҳамма гувоҳи бўлиб турганини айтиб ўтди. «Қанча шароит яратсак, шунча одамларимиз рози бўлиб, ўз ҳаётини, ўз турмушини, ўз йўналишини, ўз режаларини мутлақо катта-катта поғонада, баланд режаларни амалга оширяпти», — дея қайд этиб ўтди президент.

Чиндан ҳам юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, эркин ва мустақил билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилгани хайрли ва буюк мақсад йўлида дадил қадам ташланаётгани ифодасидир. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, давлат ва шахс, жамият ва инсон муносабатларида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бир қатор тамойилларнинг илгари сурилиши ва улар мамлакатимизнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларида энг муҳим ўрин тутиши Янги Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида бундан буён тутадиган позициясини дунё ҳамжамияти тан олишига замин яратди. Бунга мажбурий меҳнат(жумладан, болалар меҳнати)нинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан манзилли ишлаш, таълим ва тиббиёт соҳасидаги ислохотлар, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ва ўз турар-жойига эга бўлмаган оилаларга давлат томонидан ссудалар ажратилиши—буларнинг ҳар бирига биргина шаҳар ёки вилоятининг ўзидан юзлаб мисоллар келтириш мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://uza.uz/uz/posts/inson-zhamiyat-davlat-tamoyili-yurtimizda-inson-qadri-ulugligining-yorqin-namunasi>
2. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-uchun-inson-qadri-va-xalq-manfaati-hamma-narsadan-ustun>

